## Қандолат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича
## ШАРТНОМА № 2

Худои Мурувват уйи "5" .01 2022

Бизлар ким имзо чекиб шартнома тузувчилар келгусида «Сотувчи» деб аталувчи **«Отабоев Рустам Сотиболдиевич" Оилавий тадбиркор рахбари Р.С.Отабоев** бир томондан ва келгусида «Сотиб олувчи» деб аталувчи «Худои Мурувват уйи» уз Низоми асосида фаолият юритувчи рахбари Н. Темирова ушбу шартномани имзолаш билан куйидагилар келишилди.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 "Сотувчи" ушбу шартномага асосан "Сотиб олувчига" ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги қандолат маҳсулотларини етказиб беради, "Сотиб олувчи" етказиб берилган кандолат махсулотларни қабул қилиб олиб, тўлов хужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштириб, харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда амалга оширади.

| N: | Махсулот номи | Ул. бир | Микдор | Нархи | ҚҚС | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Печение | кг | 300 | 14000 | - | 4200000 |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | Жами: | | | | | 4200000 |

### I. ШАРТНОМА БАҲОСИ, МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1 Мазкур шартноманинг умумий қиймати Тўрт миллион икки юз минг сўмни ташкил этади. Хар-хил турдаги қандолат маҳсулотлари Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан юборилган нархлардан ошмаган холда «Сотувчи» томонидан етказиб берилади.

2.2. "Сотувчи" билан "Сотиб олувчи" ўртасида хар ойнинг бошида "Сотиб олувчи"нинг ёзма талабномасидан келиб чиқиб, етказиб бериладиган қандолат махсулотларининг миқдори ва нархини келишуви имзоланади хамда ушбу келишувлар мазкур шартноманинг узвий қисми ҳисобланади.

2.3 "Сотиб олувчи"га кандолат махсулотлари "Сотувчи"нинг транспортида 30 (уттиз) кун муддат ичида етказиб берилади ёки уз транспортида олиб кетади.

2.4 «Сотиб олувчи» тегишли даврда оладиган қандолат маҳсулотлари учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган миқдорда аванс тўловини олдиндан "Сотувчи" хисоб-рақамига ўтказиб беради.

2.5 "Сотувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофик белгиланган миқдорда ва муддатларда қандолат маҳсулотларини етказиб беради.

2.6 "Сотиб олувчи" «Сотувчи» тақдим этган хужжатларга асосан узил-кесил хисоб-китобни ўзаро келишилган муддатларда"Сотувчи" ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

2.7. "Сотувчи" томонидан "Сотиб олувчи"га мазкур шартноманинг умумий қийматидан ортиқ суммада қандолат махсулотлари етказиб берилган ҳолатларда, шартнома умумий суммасидан ортиқ қисми учун "Сотиб олувчи" томонидан кушимча келишуви шартномаси тузилади,

2.8. "Сотиб олувчи" "Сотувчи"га олинадиган товарининг 30 (ўттиз) фоиз хакини олдиндан утказиб беради, товарнинг колган суммасини 30 иш куни мобайнида кечиктирмай тулик туловини таъминлайди.

### III. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

3.2 "Сотиб олувчи" томонидан талабномани қандолат маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасигача камида 3 кун олдин чопар орқали, почта оркали ёки бошқача тарзда берилади. Талабномани чопар орқали қабул қилишда "Сотувчи"нинг ходими "Сотиб олувчи"да коладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

3.3. "Сотиб олувчи" илгари берилган талабномани бекор қилишга ёхуд қандолат махсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Сотувчи"ни талабномада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

3.4. "Сотиб олувчи" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган қандолат маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

3.5. "Сотиб олувчи" "Сотувчи" томонидан кандолат махсулотлари ўз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсиз маҳсулотлар етказиб берилган ҳолатларда шартномани "Сотувчи" ни ёзма хабардор қилган ҳолда бир томонлама бекор килиши мумкин. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро кўшимча келишувларига мувофиқ киритилади.

### IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**"Сотувчи"нинг мажбуриятлари:**

4.1 "Сотувчи" етказиб бериладиган махсулот сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрларга мувофиқ бўлишини хамда тегишли сифат сертификати ёки тахлил (текшириш) баёнига эга бўлишини ва ўзаро келишилган миқдорда бўлишини таъминлайди.

4.2 "Сотиб олувчи"га кандолат махсулотларини етказиб бериш вақтида тегишли сифат сертификат ёки тахлил (текшириш) баёни нусхасини тақдим этади.

4.3 "Сотиб олувчи" томонидан сотиб олинган махсулотларига 3 ой муддат утгандан сунг нарх-наво ва сифатига булган даво «Сотувчи» томонидан кабул килинмайди.

4.4 Қандолат махсулотларини қабул қилиб олиш вақтида аникланган камчиликларни "Сотиб олувчи" талабига мувофиқ 3 кунлик муддатда бартараф этади.

**"Сотиб олувчи"нинг мажбуриятлари:**

4.5 Ўз талабномаси бўйича етказиб берилган қандолат маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

4.6. Қандолат маҳсулотларини мазкур шартноманинг қўшимча келишувларида кўрсатилган нарх бўйича белгиланган муддатларда узил-кесил хисоб-китобни амалга ошириш.

4.7 Шартнома бюджетдан маблағ олувчи муассаса томонидан бир томонлама бузишга хақлидир.

## V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га сифатсиз, ёки саклаш муддатлари утиб кетган махсулотларни етказиб берилган холда «Сотиб олувчи» «Сотувчи»дан бундай махсулотларни умумий кийматидан 20%, жарима кулаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га белгиланган махсулотлар белгиланган муддатларда етказиб берилмаса, «Сотувчи» муддати утган хар бир кун учун кечиктирилган махсулот кийматининг 0,5% микдорида лекин кечиктирилган махсулот кийматининг 50% дан ошмаган холда «Сотиб олувчи»га пеня тулайди.

5.3. Агар «Сотиб олувчи» «Сотувчи»дан олинган махсулот пулини белгиланган муддатда тулаб бермаса, муддати утган хар бир кун учун кечиктирилган summанинг 0,4% микдорида, лекин кечиктирилган туловнинг 50% ошмаган микдорда пеня тулайди.

5.4. Жарималар туланиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга ҳақлидир.

## VII. ФОРС-МАЖОР

7.1. Форс-мажор холатлар, жумладан ер қимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан янги конун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган холатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома "Сотиб олувчи", "Сотувчи" томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради ва 2022 йил "5" 01 дан 2022 йил "31" 01 гача амал килади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8.3. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик булимидан руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг иккала нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## АЛОХИДА ШАРТЛАР

______________________________

______________________________

## IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

| «Сотувчи» | «Сотиб олувчи» |
|---|---|
| **«ЯТТ Отабоев Рустам Сотиболдиевич»**<br>(мол етказиб берувчининг номи) | ______________________<br>(бюджетдан маблағ олувчининг номи) |
| **Манзил:Фаргона вил. Риштон т. Бужай шахарча** | Манзил: ______________ |
| **Тел./факс +99891 667-67-53/ +998993147653**<br>**х/в:20218000504247792001**<br>**Банк номи ЧЭКИ «Савдогарбанк» Фаргона фил.**<br>**МФО: 00500 СТИР: 443109059** | Тел./факс ______________<br>ш/х* 10002186030230710120434001<br>бюджетдан маблағ олувчи СТИРи ______________<br>ОКОНХ ______________<br>**Узб.Респ.Молия Вазирлиги Ғазначилиги Ягона Ғазна Хисоб варағи**<br>Ғазна х/р 23402000300100001010<br>Банкнинг номи **Марказий банк Тошкент ш. Бош бошкармаси хисоб китоб касса маркази**<br>МФО 00014<br>Ғазначилик бўлинмаси СТИРИ 201122919 |
| **Раҳбар** Р.С.Отабоев<br>**(Ф.И.Ш)**<br>(имзо)<br>М.Ў. | Раҳбар ______________<br>(лавозими) (Ф.И.Ш)<br>(имзо)<br>М.Ў. |

188124

## Yakka tartibdagi tadbirkor (oilaviy tadbirkorlik subyekt) davlat ro'yxatidan o'tkazganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

OTABOYEV RUSTAM SOTIBOLDIYEVICH ga berildi, unga nisbatan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reestriga yakka tartibdagi tadbirkor sifatida davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

(Yakka tartibdagi tadbirkorning to'liq ism, familiyasi va otasining ismi)

Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga yakka tartibdagi tadbirkor sifatida davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida yozuv kiritilganga nisbatan

03.07.2017 552823 raqamli yozuv bilan ro'yxatga kiritiladi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 443109059

Pasport: Seriyasi: AA Raqami: 5236105 28.04.2014 y. sanada berilgan

РИШТАНСКИЙ РОВД ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

(Pasport bergan organning to'liq nomi)

Uy manzili: Farg`ona viloyati, Rishton tumani, Bujay, MUSTAQILLIK

Amalga oshiriladigan faoliyat tur(lar)i: Milliy shirinliklar, non-bulka va qandolatchilik mahsulotlari, pop-korn, frezerda muzqaymoq, salatlar va tuzlamalar tayyorlash va sotish, shuningdek uy sharoitlarida yoki mahalliy davlat hokimiyati organlarining qarori bilan ajratilgan maxsus joylarda o'tirish joylari tashkil etmasdan donalab sotiladigan taomlarning ayrim turlarini tayyorlash.,

Faoliyatni amalga oshirish manzili Farg`ona viloyati, Rishton tumani, Bujay, MUSTAQILLIK

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИ**

**«ФАРҒОНА ССМ» ДК МАХСУЛОТЛАРИНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ОРГАНИ**

**Ўзбекистон Республикаси, Фарғона шахар, Б. Марғиноний кўчаси, 119. Uz.AMT.01.MAI.326.**

(Сертификатлаштириш идораси номи, манзили, Давлат реестридаги рақами)

№ 2195225

# МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ

**" 18 "** **июн** 20**19** йилдан

**UZ.SMT.01.326.2395577** сон билан

Давлат реестрида рўйхатга олинган.

Амал қилиш муддати

**" 18 "** **июн** 20**22** йилгача

ТИФ МН коди **1905 31 190 0.**

(маълумот учун)

**"OTABOYEV RUSTAM SOTVOLDIDIEVICH" OT. Ўзбекистон Республикаси**

(корхона, фирма, ишлаб чиқарувчи мамлакат)

Ушбу сертификат тасдиқлайдики, тегишлича идентификацияланган махсулот:

*******************************************************************************

***********ПЕЧЕНЬЕ САХАРНОЕ ***************************************

*******************************************************************************

*************** Ялпи ишлаб чиқариш. ***********************************

(миқдори ёки серияли ишлаб чиқарилиши) (номи, тури, хили, русуми)

**ГОСТ 24901-2014, СанКМ 0283-10 1.5.5.-банди.**

меъёрий ҳужжат талабларига мувофиқдир.

Сертификатлаштириш схемаси: **№ 3**

Буюртмачи (тайёрловчи, сотувчи). **"OTABOYEV RUSTAM SOTVOLDIDIEVICH" OT**

(кераги тагига чизилсин)

**Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Риштон тумани, Бужай КФЙ., Мустакиллик кўчаси 27 уй. И/Ч манзили: Риштон тумани, Бужай КФЙ., Мустакиллик кўчаси 27 уй. СТИР 443109059.**

(манзил)

Сертификатга асос бўлган:

а) ҳужжатлар **Фарғона вилоят ДСЭНМ томонидан 2019 йил 10 июн куни берилган № 201266-сонли санитария-эпидемиологик хулосаси. Амал қилиш муддати 2022 йил 10 июнгача. (UZ.AMT.07.MAI.133) 04.06.19 кунги №256–сонли; 06.06.19. кунги №№ 287-288, ,325-326, 418-419; 10.06.19 кунги №121-синов баённомалари.**

б) намуналар синови **Фарғона ССМ ДК АСК нинг физик-кимёвий лабораториясида ўтказилган 2019 йил 17 июндаги № 263-сонли синов баённомаси. (UZ.AMT.07.MAI.015).**

в) ишлаб чиқаришни текшириш далолатномаси **«Фарғона ССМ» ДК СО томонидан 18.06.19. куни тўзилган.**

Инспекцион назоратни **«Фарғона синов ва сертификатлаштириш маркази» ДК СО олти ойда бир марта** даврийлик билан амалга оширади.

Алоҳида ёзувлар: **Ушбу сертификат ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, сотиш ва келишувга риоя қилинган холда хақиқий хисобланади.**

Мувофиқлик белгиси қўйилади: **O'z DSt 5.8:2006 амал қилинган холда махсулотнинг ёрлиғида кўрсатилади.**

Илова: Мувофиқлик сертификатининг нусхаси фақат сертификатлаштириш бўйича идора ёки асл нусха эгаси томонидан муҳр билан тасдиқлангандан сўнг ҳақиқийдир.

Сертификатлаштириш идораси рахбари М.У. (имзо) **А.Х. Олимов.** (Ф.И.О.)

Эксперт М.У. (имзо) **Х. Р.Рашидов.** (Ф.И.О.)